

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

ЎЗБЕКИСТОНДА СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2006 йил 22-28 август № 34 (498) Сешанба кунлари чиқади

Мустақилликнинг 15 йиллиги олдида

ИСТИҚБОЛИ ОЙДИН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ватан — сийратимда
хайратсан, нурсан,
Ватан — ботинимда
гўдакдек хурсан.
Кўнгилдан вулқондек
отилган меҳр,
Ватан дея шодлансам,
қалбда гурусан.
Конимда сингиган
сенинг висолинг,
Жонимга сингиган
соғинч хаёлинг.
Мен сенсиз яшашга
эмасман қодир,
Менга буюк қанот
эрур камолинг.
Сен менинг файзли
ўтган ҳар оним,
Эътиқод, имконим,
юксаклик, шоним.
Истиқлол байроғин
баланд кўтаргум,
Истиқболи ойдин
Ўзбекистоним!

Бу йўллар, албатта истиқлолнинг нурли
манзилларига етказди



Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон.
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб, эл тилга олур.

Умумхалқ ҳашари

ОБОД ЮРТГА ОЗОДАЛИК ЯРАШАДИ

Шу йилнинг 19-20 август кунлари бутун республикамиз бўйлаб Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди. Қаярга борманг халқимизга хос бўлган миллий қадриятимиз ўзгача мазмун касб этганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу хайрли тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасалари ходимлари ҳам ўзларининг беминнат хизматлари билан қатнашди.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика «Саломатлик» институтининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси ҳам 19-20 август кунлари бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида яқдиллик билан иштирок этдик. Шунингдек, «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, саховатпешалик ва меҳр-оқибат сингари қўтлуғ инсоний фазилатларни янада юксалтириш, республикадаги санитария-эпидемиология ҳолатни яхшилаш ҳамда истиқлолимизни нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 августдаги 345-Ф сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 7 августдаги 947-сонли фармойишларининг ижросини таъминлаш мақсадида филиалнинг иш режасини тузиб олди ва энг муҳими, мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ ҳашарининг нечоғлик аҳамиятга молик эканлигини юракдан ҳис этиб, оммавий тадбирда фаол қатнашдик.

Жамоамиз энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида ҳамжихатлик билан барча жойларда ободонлаштириш ва тозаллик ойлуги доирасида ўтказилаётган умумхалқ ҳашарида иштирок этиб, юртимизнинг қўтлуғ байрамига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшар экан, ушбу тадбирдан тушадиган маблағ ёрдамга муҳтож оилалар, «Саховат», «Меҳрибонлик» ва «Муруват» уйларига етиб боришида ходимларимиз ҳиссаси борлигидан беҳад мамнун бўлдик.

Нозибби **ОРАЛБАЕВА**,
«Саломатлик» институти Қорақалпоғистон
Республикаси филиали директори.



Инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда Хоразм вилоят кардиология маркази шифокорларининг хизматлари беқийс.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73

Лойиҳа ижроси амалда: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ




Ўзбекистон
Республикаси



Халқаро тараққиёт
уюшмаси



Осиё тараққиёт
банки



Озиқланишни Яхшилаш
Глобал Альянси

2006 й
№ 5

«Саломатлик – 2»

«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development,
and «National flour fortification program» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги фаолиятлар билан танишар эканмиз, тиббиёт ходимларининг халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган ҳолисона меҳнатлари беса-мар кетмаётганлигига амин бўлдик.

Биз вилоят тиббиёт муассасаларида бўлганимизда замон талаблари даражасида қад кўтарган шифо масканлари ҳамда янги технологиялар асосида фаолият юритаётган малакали кадрларнинг шижоат билан ишлаётганликларини кўриб, республика тиббиёт тизимидаги бундай муваффақиятлар дунё миқёсида ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлиб бораётганидан фахрландик.


Ҳа, ана шундай ютуқларга эришиш йўлида хоразмлик тиббиётчиларнинг кўшаётган муносиб ҳиссалари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Зеро, Хомийлар ва шифокорлар йилида ҳам мазкур воҳа тиббиётчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан элда эъзоз топиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада оширишга азму қарор қилганлар.

Йил 14 октябрдаги 2002-сонли қарори асосида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида 2005 йилнинг 31 октябрда 259-сонли буйруқ чиқарилиб, тадбирлар белги-ланди. Юқорида кўрсатилган қарорлар Хонқа, Богот, Янгиариқ туманлари марказий шифохоналарига етказиб берилди ва бу тўғрисида ҚВП шифокорлари, шифохона ҳисобчилари ва иқтисодчилари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. 2005 йил октябр ойидан бошлаб Хонқа туманида 16 та, Богот туманида 18 та, Янгиариқ туманида 10 та,

тириш ишлари олиб борилди. 2006 йилдан бошлаб, жон бошига молиялаштириш йилига 2735 сўмни ташкил қилди.

2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида вилоят ҳокимининг 7 июндаги 121-сонли қарори асосида Хоразм вило-

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



Хамид КҮРБОНОВ,
«Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари Хоразм вилояти бюроси директори.

– Айна кунда вилоятимизда 147 та кишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. 2003-2004 йилларда «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида 121 та кишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуналар, автоклав, ЭКГ, бинокляр, микроскоп, биохимик анализатор, мебель ва лаборатор жихозлар билан, 11 та туман марказий шифохонаси, Урганч шаҳридаги шошилич тез тиббий ёрдам маркази лаборатория жихозлари ва диагностика аппаратлари ҳамда 4 та туман марказий шифохонаси УЗИ аппаратлари билан жиҳозланди. «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида Хива, Қўшқўпир ва Урганч туманларининг 48 та бирламчи тиббий ёрдам муассасалари вилоятимизда эксперимент тариқасида аҳоли жон бошига молиялаштириш тизимига ўтказилди. 2003 йилда бу рақам ҳар бир аҳоли жон бошига йиллик 1600 сўмдан, 2004 йилда эса 2000 сўмдан белгиланди. Вилоятда «Саломатлик-1» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида вилоят бюроси ташкил қилинган ва бошқариш ҳамда молиялаштиришнинг янги тизимига ўтиш учун Хива, Қўшқўпир ва Урганч каби учта сайёр туманлар белгиланди. Ушбу туманларда 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб, 44 та ҚВП ва 4 та ҚВАга юридик мақом берилиб, улар ҚВП бириктирилган аҳоли

жон бошига молиялаштиришнинг янги услубига ўтказилди. Бунда молиялаштириш аҳоли жон бошига 1600 сўмдан белгиланиб, 3 та сайёр туман ҚВПларига бириктирилган 317,8 минг аҳолига 508,5 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Лойиҳанинг йўналишларидан ана бири умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашдир. Бу мақсадда тиббиёт академиясининг Урганч филиали қошида Урганч шаҳар марказий катталар поликлиникасида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўн ойлик курслари очилиб, ўқув маркази замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

2003 йилда 25 нафар, 2004 йилда 40 нафар, 2005 йилда эса 37 нафар шифокорлар ушбу ўқув марказида таҳсил олиб умумий амалиёт шифокори мақомида фаолият юритишмоқда.


Вилоят кардиология диспансери қошида лаборатория ўқув маркази ташкил қилиниб, ҳозирги кунда врач-лаборантлар, ҳамширалар билим ва тажрибаларини оширишмоқдалар. Шу кунгача 106 та лаборант лаборатория ҳамда 60 та врач ва ҳамширалар ЭКГ бўйича ўқитилди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори юзасидан қуйидагилар амалга оширилди. Хоразм вилоят ҳокимининг 2005

ямини 44 та бирламчи тиббий муассасалар молиялаштиришнинг янги тизимига ўтказилди. Улар ўзининг юридик мустақил мақомига эга бўлиб, банкларда ўз ҳисоб рақамлари очилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида эксперимент тариқасида Богот, Янгиариқ ва Хонқа туманлари бошланғич тиббий санитария ёрдами муассасалари учун марказлашган бухгалтерия ташкил қилинди. Бошланғич тиббий санитария муассасалари учун менежерлар рўйхати тузилди. Ҳар бир ҚВПга бириктирилган аҳоли рўйхати тайёрланиб, тасдиқлаб олинди, намунавий кишлоқ врачлик пункти Низоми тарқатилди. Аҳоли жон бошига молиялаштиришнинг янги услубига ўтказилиши муносабати билан туманларда тиббиёт ходимларига тушун-

ятининг Гурлан, Шовот, Янгибозор, Хазораси туманлари ва Питнак шаҳарчасида ҚВПлар аҳоли жон бошига молиялаштириш услубига ўтказилди. Вилоятнинг 26 та ҚВПсида «Саломатлик-2» лойиҳаси ишларида жиддий тайёргарлик олиб борилди ва тиббий меbellар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда Хоразм вилоят Урганч шаҳар тугруқхонаси, Урганч, Хонқа, Янгибозор, Богот, Хива, Қўшқўпир, Хазорасп, Шовот ва Гурлан туманларининг тугруқхоналари Осиё Тараққиёт Банки томонидан тиббий асбоб-ускуналарни қабул қилиш арафасида турибди. Янгиариқ тумани ва Питнак шаҳрида эса таъмирлаш ишлари тугалланиш арафасида.






«Саломатлик – 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустақамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» пойнҳалари

«Health – 2»
Women and Child Health Development
and National Flour fortification program. Projects

Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



Муяссар АБДУЛЛАЕВА,
«Дўстлик» кишлоқ врачлик пункти мудариси.

– Кишлоқ врачлик пунктимиз 2004 йилнинг январь ойида қайта таъмирланган ҳолда фаолият бошлади. Худудимизда 7000 дан ошди аҳоли истиқомат қилади. Уларга 3 нафар шифокор, 11 нафар ҳамшира ва 2 нафар кичик тиббиёт ходими хизмат кўрсатади. Кейинги пайтларда бирламчи бўлиб, аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишларда ўз ифодасини толапоти десам хато қилмаган бўламан. Чунки, олдинлари ФАП, ҚУШ каби муассасаларнинг фаолияти у даражада давр талабига жавоб бермас эди. Аҳоли эса қўянаиб марказий шифохонага мурожаат қилишга мажбур бўларди. Эндилкида қийинчиликларнинг барчаси бартараф этилиб, халқимиз соғлиги учун зарур янги технологиялар, малакали кадрлар билан таъминланган замонавий кишлоқ врачлик пунктларининг республикамиз миқёсида кенг иш олиб бораётганлиги айтиш мумкин. Бир кунда 25-30 нафар беморни қабул қиламиз. Ундан ташқари, туман марказий шифохонасидан тор доирадаги мутахассисларимиз ташриф буюриб, аҳоли соғлигини тиббий кўриқдан ўтказиб туришадди. Шунингдек, 2006 йилнинг 15 март куни «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг «Саломатлик» поездидида келган тиббиёт мутахассислари худудимизда

истиқомат қилувчи 400 яқин фуқарони тиббий кўриқдан ўтказиб, керакли маслаҳат ва тавсияларини беришди. Кишлоқ врачлик пунктимиз юридик мақомга эга бўлиб, молиявий жиҳатдан ҳам шаклланган. «Саломатлик» лойиҳаси дастури бўйича берилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар фаолият юритишимизда ниҳоятда қўл келмоқда. Масканимизда телефон алоқаси, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув ҳамда тез ёрдам машинасининг мавжудлиги кадрларимиз муаммосиз ишлашларида асосий роль ўйнамоқда. Аҳолининг умумий соғлиғига келадиган бўлса, кейинги икки йил ичида худудимизда бўқоқ, аёллардаги экстрагенитал, юқумли ҳамда юрак ишемик касалликлари билан оғриган беморлар кўрсаткичи сезиларли даражада камайди. Ишларимиз маъсулини 11 нафар ҳамширамизнинг уйма-уй юриб, ўзларига белгиланган аҳоли билан доимий суҳбатда бўлишлари ва касалликларни олдини олишга доир тарғиботни кўчатирилганликлариди деб биламан. Мана, ёш ойна ўтиб, қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди. ҚВПмиз ушбу мавсумга тўлиқ тайёр деб айтсам ҳам бўлади. Асосий вазифамиз инсон саломатлиги учун курашишдан иборат экан, биздан ўз ёрдамларини аяматган Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман марказий шифонаси ва «Саломатлик-2» лойиҳаси мутасадди раҳбарларининг ишончларини оқлашга ҳаракат қиламиз.



«Дўстлик» кишлоқ врачлик пунктининг ташқи кўриниши.

Хонқа тумани

«Дўстлик» кишлоқ врачлик пункти ховлисига кадам ранжида қилганимизда, у ердаги табиат манзараси баҳри-дилнимизни очган бўлса, бизга пешвоз чиққан соддадил тиббиёт ходимларининг меҳрибонлик ила кўтиб олишлари қалбимизга эзгулик уругини сочди.

Муяссасга кирганимизда у ерда озодалик, шинамгина хоналарнинг дид билан жиҳозланганлиги ва уларда фаолият юритаётган мутахассисларнинг иштиёк билан меҳнат қилаётганликлари эътиборимизни ўзига тортди. Фахрлиниш туйғуси бўлса керак, улар билан суҳбатлашишга ошдик.


ЭЪТИРОФГА МУНОСИЪ

– «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида 10 ойлик ўқув курсини тугатдим. Ўқушим давомида шу нарсага амин бўлдимки, тиббиёт ниҳоятда чуқур фан бўлиб, ўқиб-ўрганганим сари ўзига хос мавзулар юзага келаверади. Ўқушимиз жараёнида ўтказилган цикллар асосидаги машғулотлар ўзининг долзарблиги билан фаолиятимизда қўллашимиз керак бўлган манбаларни очиб берди. Айниқса, икки ҳафта давомида назарий билим билан биргаликдаги амалий фаолиятимиз аҳоли орасидаги касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олишда муҳим ўрин тутадиган омилларни кўрсата олди. Айни пайтда мени қизиқтирган муам-

Дилбар БЕКЖАНОВА, умумий амалиёт шифокори.

молардан бири «Аёллардаги сут бези раки» касаллиги бўлганлиги сабаб, лойиҳа асосида ушбу мавзунини танладим. Албатта долзарб мавзу бўйича фаолиятимиз давом эттириб, мазкур касалликни камайитириш ниҳатидаман. Худудимизда учта мактаб, битта коллеж ҳамда қўллаб ташкилотлар жойлашган. Биз ана шуларни инobatга олган ҳолда улар билан тез-тез мулоқотда бўлиб, мавсумий ва турли хил касалликлар тўғрисида суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб тураемиз. Бу эса касалликларнинг олдини олиш ва

уларнинг тиббий саводхонлигини оширишда ўз натижасини берапти. Мен аввало, «Саломатлик-2» лойиҳасининг ўн ойлик ўқув курсида ўқиганимдан хурсандман. Чунки, умумий амалиёт шифокори барча йўналиш бўйича фаолият олиб боради. «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан тақдим этилган услубий қўлланмалар ҳам фаолиятимизда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Агар барчасини мужассамлаштирсан, унинг замирида инсон соғлиғи ётади. Шу боис, халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишни асосий бурчим деб биламан.



Зулфия АБДУЛЛАЕВА,
лаборант.

– Фаолият юритаётган хонамда «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан берилган лаборатория асбоб-ускуналарининг афзаллигини кўриб, завқ билан ишлагим келади. Бу борада, малакамни ошириш мақсадида вилоят кардиология диспансери қошида ташкил этилган ўқув марказида таҳсил олдим. У ерда жуда кўп нарсаларни ўргандим. Шунингдек, лойиҳа томонидан лаборантлар учун берил-

ган ўқув қўлланмасидан ҳам керакли маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, беморлар таҳлил натижасини кутмасдан маълум бир қисқа муддат ичида унинг жавобини олишга муваффақ бўлишмоқда. Реактивлар ҳам бизда муаммо эмас. Юридик мақомга эга бўлганлигимиз учун туман тиббий таъминот идораси билан шартнома тузиб, ўз вақтида зарур маҳсулотларимизни олишга эришяпмиз.

МИННАТДОРЧИЛИК


Кейинги пайтларда хафақон (гипертония) касаллиги кўп бевозта қила бошлади. Шунда «Дўстлик» кишлоқ врачлик пункти шифокорларига мурожаат қилдим. Улар мени атрофияда текширувдан ўтказиб, менга мазкур касаллик ташхисини қўйишди. Шу кундан эътиборан ҚВПда доимий назоратда турадиган бўлдим. Малакали шифокорларнинг тавсия ва муолажалари билан дардим анча енгилашди. Айниқса, шифокор ва ҳамшираларнинг тез-тез хонадонимизда бўлиб, ҳолимиздан хабар олиб туришлари, уларга бўлган ишончимизни яна бир қарра оширди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, ҚВП мудариси Муяссар Абдуллаева, шифокор Дилбар Бекжанова, ҳамширалар Сайёра Дурдиева, Санамжон Курязова, Санамжон Машарипова ҳамда Зулфия Абдуллаеваларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлишимиз.

Ў. АБДУЛЛАЕВ,
пенсияер.

Санамжон МАШАРИПОВА, муолажа ҳамшираси.

– Агар ўз касбингни севиб, иштиёк билан фаолият юритсанг бошқача бўлар экан. Мен 23 йиллик фаолиятим давомида қўллаб бемор қалбларга даво улашдим. Мана икки йилдири, ҚВПда муолажа ҳамшираси вазифасида ишлаб келаман. Лекин касбимизнинг нозик томонлари жуда кўп. Биринчи навбатда асептика-антисептика қоидаларига риоя қилиш ниҳоятда муҳим. Шунингдек, беморга муолажа қилаётган бир пайтда ўта хушёр ҳамда масъулиятли бўлиш, айниқса, биринчи ёрдамга муҳтож бўлиб келган беморга зудлик билан тез ёрдам кўрсатишда хатоликка йўл қўймасдан унинг касаллик ҳолатига қараб, тўғри муолажа қилиш асосий бурчимиздир. Муяссасамизда дори-дармонлар етарлиги боис, бу борада ҳеч қандай муаммо туғилаётгани йўқ. Би-



ринчи ёрдам учун лозим бўлган дори воситалари ҳам мавжуд. Кейинги йилларда ҳамширалик ишига бўлган эътибор тобора кучаймоқда. Жумладан, «Хамшира» кўрик-танловининг ўтказилиши, тиббиёт ходимлари ойллик маошининг ошганлиги ҳам бу-


нинг ёрқин мисолидир. Бундай имкониятларнинг барчаси мустақиллигимиз нашидаси деб биламан. Мен бағрикенг Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланаман ва халқимиз саломатлиги учун ишлашга доимо тайёрман.

Ушбу мўъжазгина маскандан қайтар эканмиз, ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан халққа сидқидилдан хизмат қилиб келаятган аҳил жамоа ходимларининг ҳушмуомалалигини, самимийлигини ҳамда ўз касбининг садоқатли инсонлари эканлиги қалбимизда меҳр туйғусини уйғотди.
Шундай экан, қалби пок, меҳнатта ташна тиббиёт ходимларининг машаққатли меҳнатларига таҳсин айтиб, эл саломатлиги йўлида олиб бораётган шижоатингиз сўнмасин, деб қоламиз.

Хива тумани

Биз Хива туман марказий шифохонасига қарашли «Дашёқ» қишлоқ врачлик пунктига кириб борар эканмиз, мўъжазгина масканнинг қиёфаси эътиборимизни тортди. Ўзига хос даражада қад кўтарган бундай муассасанинг лойиҳаси шу қадар ихчам ишланганки, ташриф буюрган ҳар қандай кишининг диққатини тортади. Ҳа, хоналарни бир-бир айланиб чиқар эканмиз, фаолият юритаётган малакали шифокору бир-бирдан чаққон ҳамшираларни ва тозалик посбони бўлган кичик тиббиёт ходимларининг шижоат билан ишлаётганликларини кўриб хурсанд бўлдик. Албатта, ана шундай замон талаблари даражасида бунёд этилган муассасада фаолият юритишнинг ўзи катта бахт...

МАҚСАД – АСТОЙДИЛ ИШЛАШ



Абдулла ХУДОЙБЕРГАНОВ,
«Дашёқ» қишлоқ врачлик пункти мудири.

– Қишлоқ врачлик пунктимиз 2003 йилда ишга тушди. Худудимизда 5300 нафар аҳоли истиқомат қилади. Энди иш бошлаган пайтларимиз анча қийинчиликларга дуч келдик. Аҳоли қишлоқ врачлик пункти фаолиятига тушунганича кўплаб тарғибот ишларини олиб боришга тўғри келди. Аста-секинлик билан улар ишончини қозона бошладик. 3 нафар умумий амалиёт шифокори ва 10 нафар ҳамширанинг сай-ҳаракати тўғрисида тарғибот ишлари кучайтирилди. Унинг натижасида кунига 20-25 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлдик. Деярли ҳамма тиббий асбоб-ускуналар ҳамда физиотерапия ва лаборатория хоналарининг мавжудлиги ходимларимизнинг касбий маҳоратларини оширишда, шунингдек, беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим роль ўйнамоқда. Раҳбар сифатида шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, аҳоли жамоамиз фаолиятдан жуда миннатдор. Жумладан, кам таъминланган оилаларга, ноғирон ва назоратда турган беморларга муруват ёрдами бердик. Келгусидаги режаларимиз молиявий аҳволи янада яхшилаб, халққа сифатли тиббий хизмат кўрсатишидир.

– Ўттиз олти йилдирки, доя-лик вазифасида ишлаб келмоқдаман. Аёллар билан ишлаш, уларнинг кўнглига йўл топиш бир оз бўлса-да мушкул. Чунки, улар ўзларида кечаётган касалликлар тўғрисида очик-ойдин айтишга истихола қилишади. Айниқса, илк бор оналик бахтига муяссар бўлаётган ёш келинчақлар ҳомиладорликнинг бошланғич даврида кўп қийинчиликларни бошдан кечиришади. Ана шундай пайтда оила аъзолари ҳамда тиббиёт ходимлари унинг аҳволини тушунган ҳолда керакли маслаҳат ва тавсияларни беришлари керак. Кўп йиллик тажрибам давомида бир қанча воқеаларнинг гу-

Раъно РАЖАБОВА, доя.

воҳи бўлдим. Оилада ҳомиладор аёл аҳволини тўғри тушуниш ёки унга керакли шароитни яратиш келажақда туғиладиган зурриёв ва онанинг соғлиги учун жуда муҳим. Гоҳида экстрогенал касаллик билан оғирган аёлларга керакли тавсияларни берганимизда улар ўз вақтида даволанмасдан соғлиқларига бепарво бўладилар. Натижада сурункали касалликлар авж олиб, унинг оқибатида оғир хасталиклар юзага келади. Кейинги пайтларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида кенг доирада фаолият-

лар олиб борилаётганлиги жуда яхши бўлди. Айниқса, бўлажақ келин-куёвларнинг ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишлари, керакли тавсия ва маслаҳатлар асосида оила қураётганликлари соғлом фарзандларнинг дунёга келишида муҳим пойдевор бўлмоқда. Айни кунларда ҚВПмиз худудида яшаётган хотин-қизларнинг соғлиқлари учун барча имкониятларни яратганмиз. Мақсадимиз соғлом наудан соғлом фарзандларни дунёга келтириш экан, бу борада тинмай изланиб, ҳар бир оилада тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим деб биламан.



Шахло НУРМЕТОВА, менежер.

– Қачонки, ташкилот молиявий жиҳатдан тўлиқ таъминланган бўлса, ишлар ривожини янада ортиб боради. Мана уч йилдирки, мазкур ҚВПда менежерлик вазифасини бажариб келмоқдаман. Фаолиятим давомида молиявий тақсимот ишларига жуда катта эътибор бераман. Айниқса, иш юритиш, кадрлар ва жамоани ойлик маош билан таъминлаш масалаларини тўғри ҳал қилиш жуда муҳим. Бунинг учун мен ҚВП мудири билан ҳамкорликда фаолият юритаман. Айни кунда моддий-техник базамизда етарли миқдордаги маблағ мавжуд. Лекин ушбу маблағни тежаб ва ўринли мақсадда иш-

латиш зарур. Шунинг учун биз йиллик ҳисоб-китобни олдиндан кўриб, ана ундан кейингина шароитга қараб иш тутамиз. Шунингдек, ўз меҳнати билан жамоа орасида ҳурмат ва эътиборга лойиқ бўлган ходимларимизга рағбатлантириш фондида пул мукофотлари ажратилади. Кадрлар масаласида ҳам малака ошириш, тажриба алмашиш ишларига катта эътибор бериб келмоқдамиз. Мақсадимиз, ҳисоб рақамимизда бўлган маблағни режа асосида ишлатиб, молиявий аҳволни яхшилаб, меҳнат қилаётган ходимларимиз учун барча имкониятларни яратишидир.

Дил изҳори

«Дашёқ» қишлоқ врачлик пунктининг иш бошлагани худудимиз аҳолиси учун бир мунча қулайликлар яратди. Айниқса, шифокор ва ҳамшираларнинг оилаларга ташриф буюриб, соғлигимиз учун қайғуриши бизни мамнун қилмоқда. Уларнинг касалликлар бўйича олиб бораётган тарғибот ва ташвиқот ишлари хасталикларни олдин олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳамширалар томонида мавсумий касалликлар бўйича берилаётган тавсия ва маслаҳатлар тўғрисида фарзандларимизда диарея ҳамда бошқа юқумли касалликлар қайд этилмади.

Ўз касбининг ана шундай фидойи инсонларига ўзимизнинг дил ташаккуримизни билдириб, уларнинг савобфалаб ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Худуд аҳолиси.



Улучшение качества медицинских услуг является важной задачей системы здравоохранения Республики Узбекистан. На сегодняшний день в стране наблюдаются значительные продвижения в использовании современной методологии непрерывного повышения качества (НПК). В основе НПК лежит следование практике, основанной на доказательной медицине, которая осуществляется через работу в команде, самомониторинг и внедрение улучшений с фокусом на пациента.

Как показал опыт Ферганской области, где уже с 2003 года внедряются данные принципы, определяющим фактором в продвижении современной методологии НПК является участие и поддержка управленцев системы здравоохранения (руководители, главные врачи,

Новости

СЕМИНАРЫ ПО ПОВЫШЕНИЮ КАЧЕСТВА МЕДИЦИНСКИХ УСЛУГ

главные специалисты и т.д.). Являясь эффективным инструментом в улучшении качества процесса медицинской помощи, эта методология, привлекла большой интерес и уроки ферганцев уже распространены и внедряются в практику в 3-х районах Ташкентской области по инициативе руководителей Ташкентского областного управления здравоохранения.

В целях дальнейшего распространения современных подходов НПК, Министерством Здравоохранения принято решение поддерживать обучение этой методологии в 6 пилотных регионах Узбекистана. Участниками обучения

являются как организаторы здравоохранения (главные врачи, главные специалисты и т.д.), так и непосредственно медработники учреждений (СВП, родоводов) в рамках проекта «Укрепление здоровья женщин и детей» (УЗЖД).


В этой связи, совместно с проектом ЗдравПлюс, финансируемым Агентством по Международному Развитию США (USAID), Совместным и областными бюро реализации проектов, с 1 по 7 и с 7 по 10 августа 2006 года проведено обучение 41 менеджера здравоохранения Ташкентской области и 37 менеджеров здра-

воохранения Бухарской области, областного и районного уровней основам повышения качества услуг на базе ТашиИУВ и центра подготовки врачей общей практики Бухарского медицинского института при городской поликлинике № 4. Семинары осуществлены компетентными тренерами прошедшими 2-х недельный международный курс по обучению повышению качества. Участникам очень понравилась работа в малых группах, в ходе которой они составили системную оценку деятельности на основе существующих приказов и формы мониторинга по инфекционному контро-

лю и антенатальной помощи. В конце 2-х дневного тренинга участники разработали цели, вмешательства и индикаторы по улучшению деятельности.

В дальнейшем, мониторинг реализации этих планов по улучшению медицинских услуг будет осуществляться представителями Министерства здравоохранения, Совместным и областным бюро реализации проектов и ЗдравПлюс для оказания непрерывной помощи. Мы надеемся, что методология НПК, основанная на фокусировании по определенной проблеме, внедрение и оценке эффекта улучшений, внесет вклад в повышение качества медицинских услуг населению.

Н. КАРАБАЕВА,
координатор, специалист проекта УЗЖД,
Н. РАХМАНОВА,
менеджер программ по Улучшению качества, ЗдравПлюс, USAID.



«Саломатлик — 2»
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
 «Health — 2»
Women and Child Health Development
and «National flour fortification program» Projects
 Проекты «Здоровье — 2»
 «Укрепление здоровья женщин и детей»
 и «Национальная программа по фортификации муки»



Дилором ҚУРБОНОВА,
«Эркин» қишлоқ врачлик пункти мудираси.

— Аҳолимиз ниҳоятда катта. Масканимизда 8 шифокор, 31 нафар ҳамшира ҳамда 3 нафар кичик тиббий ходим 17313 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келади. Ундан ташқари, 1 та боғча, 6 та мактаб, Фуқаролар йиғини, шунингдек, 3 та ферма ходимлари ҳам кишлоқ врачлик пунктимизга мурожаат қилишади. Бундай катта аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш осон эмас, албатта. Кўп ҳолларда шифокор ва ҳамшираларимиз аҳоли орасида бўлишади. Муассасамиз 50 қатновга мўлжалланган бўлиб, 2006 йилнинг 1 июлидан юри-

гия қошидаги ўқув марказида ўз билим ва малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Бир кунда 45-50 нафар фуқарони қабул қиламиз. Келувчилар турли хил касалликлар билан мурожаат қилишади. Аҳоли орасида 13 нафар сил касаллиги билан оғриган беморлар назоратда туради ва улардан 3 нафари ҚВГдаги ДОТС бурчагидан ўзига керакли бўлган муолажани олади. Бундан ташқари, айрим мавсумий касалликлар бошланган бир пайтда тиббий ходимларимиз бор куч ва имкониятларини ишга солиб тарғиботи кучайтириб борадилар. Шу боис бўлса керак, кейинги икки



дик мақомга эга бўлди. ҚВПни бунёд этиб, ишга туширгунча Хазорасп туман ҳокимлиги ҳамда марказий шифохонанинг бегараз ёрдами алоҳида эътироф этиш жоиз. Шу билан бирга «Саломатлик-1» лойиҳаси томонидан ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар берилганлиги ишларимиздаги унумдорликни оширди. Лойиҳа дастури асосида шифокорларимиз ўн ойлик ўқув курсида ўқиётган бўлсалар, ҳамшира ва лаборантларимиз вилоят кардиоло-

йилда хавфли ва юқумли касалликлар қайд қилинмади. Аҳолининг тиббий ходимлари меҳнатига ҳамда кишлоқ врачлик пунктига ишончи ошди. Улар биздан ҳам кўра ўзларининг соғлиқларига бўлган эътиборни кучайтирдилар. Демокчиманки, Юртбошимизнинг бирламчи бугинга бўлган эътибор ва ғамхўрлигининг натижаси ана шунда экан. То абад олдимиздаги улкан вазифа инсон саломатлиги экан, бор билим ва тажрибамизни ишга солиб, халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.



Хазорасп тумани

АҲОЛИ ИШОНЧINI ҚОЗОНИБ

— Тиббий муассасага келган ҳар бир беморга илиқ муомала қила олиш тиббиёт ходимининг эзгу фазилатларидан бирига кирди. Чунки у ўз дардига нажот излаб келар экан, бир оғиз ширин сўз ҳам унинг хаста кўнглига малҳам бўлади. Шундай экан, муассасамизга кириб келган инсонлар билан доимо ширин муомалада бўлишга интиламан. Уларнинг дил сўзларига қулоқ тутиб, керакли мутахассисга юбораман. Муассасамизга му-

Жамшид ҲАСАНОВ,
рўйхатхона фельдшери.

рожаат этиб келган фуқаролар тиббиёт ходимлари, яъни ҳамкасбларимнинг кўрсатаётган хизматларидан мамнун бўлса, мен ҳам қилаётган ишимдан фахрланаман. Бир нарсани идрок қиламанки, кейинги йилларда тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Шу ўринда кишлоқ ахлига бўлган эътибор ҳам бундан четда қолмади.

Аҳоли орасига тиббий маданиятнинг кириб келиши уларнинг ўз соғлиғига бўлган эътиборни ҳамда тиббиёт ходимларига бўлган ишончини орттирди. Юқоридаги мутасадди раҳбарларнинг изчиллик билан олиб бораётган эзгу ишлари айниқса, ҳар бир йилга ҳамоҳан бўлган Ҳомидалар ва шифокорлар йилида ўз ифодасини топаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Саодатжон МАТМУРАТОВА,
кичик тиббий ходим.

— Тозалик ва озодалик бўлмаган жойда файзу баракот бўлмайди. Хонадон ёки ҳар қандай ташкилотнинг остонасидан қадам кўйишингиз билан руҳиятнингизни кўтара оладиган табиий муҳит бўлиши зарур. Ана шундай озодалик муҳитининг асосий посбонлари кичик тиббиёт ходимлари деб биламан. 16 йилдирки, шу соҳада меҳнат қиламан. Бизга кўйилган талаб, тиббиёт муассасаси ичида озодалик, саранжом-саришталикни таъминлашдан иборат. Фаолиятим давомида тиббиёт ходимларининг иши масъулиятли эканлигини кўрдим. Улар билан ёнма-ён ишлаб, тиббиётга оид маълумотларга эга бўлдим. Кези келганда беморларга ҳам ёрдам бераман. Мана эқинда 65 ёшли онахон соғлиғидан шижоат қилиб келган эди. Шифокор кўригидан сўнг, онахонни уйига кузатиб кўйдим. Чунки, кун иссиқ бўлганлиги сабабли онахонга кўйилган ташхис буйича кутилмаган ҳодиса рўй бериши мумкин эди. Ана шундай ҳолис меҳнатларимиз туйғайли халқимиздан олаётган дуоларимиз ижобат бўлган бўлса керак, биз кичик тиббиёт ходимларининг меҳнати ҳуқуматимиз томонидан улуғлашиб, ҳатто ойлик маошларимиз оширилди, бундан ташқари муассасамизда ҳам рағбатлантириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шахсан мен бундай ғамхўрликдан миннатдорман.



Зевар РОЗҚОВА,
эмлаш хонаси ҳамшираси.

— Болаларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ҳар бир тиббиёт ходими олдидаги бурчий мезондир. Чақалоқлигидан то маълум бир давргача фарзандларимизни эмлашнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бўлади. Улар эмлашга келгунча патронаж ҳамшираси ва шифокорлар томонидан кўриқдан ўтказилади. Агар бола соғлом бўлсагина эмлаш ишлари амалга оширилади. Лекин эмлаш вақтида ҳам эҳтиёткор бўлиш лозим. 18 йил ичида эмлаш ишларини амалга ошириш давомида ҳар хил вазиятга дуч келаман. Ана шундай ҳолатдан чиқиб кетиш, биздан яхши муомала ва касбимизга бўлган садоқатни талаб қилади. Агар ҳар бир ота-она фарзандини ўз вақтида эмлатса, у келажақда соғлом ва бақувват бўлиб воёга етади ва ҳар қандай касалликка чалинмайди. Муассасамизда яратилган барча шароит ва имкониятлар аҳоли билан янада жипслашиб ишлашимизни тақозо этар экан, уларнинг соғлиғи йўлида қилаётган ишларимиз бесамар кетмаслиги учун фаолиятимизни бундан-да жадаллаштиришимиз керак.

